

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот  
технологиялари технологик парки  
дирекцияси” МЧЖ  
директори

Ф.З. Ибрагимов

2022 й. “15” август



“АҚЛЛИ ШАҲАРЛАР” НИ БАРПО ЭТИШ БҮЙИЧА ТАЖРИБА АЛМАШИШ ВА  
ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТРАНСФЕР ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЭКСПЕРТЛАР ВА ИТ-  
МУТАХАССИСЛАР УЧУН ДОИМИЙ ПЛАТФОРМА ЯРАТИШ” ЛОЙИХАСИ БҮЙИЧА

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БҮЙИЧА ТАЛАБЛАР

БУЮРТМАЧИ: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки  
дирекцияси” МЧЖ

Тошкент – 2022 й.

## **МУНДАРИЖА**

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР	.....	3
1. ҲУЖЖАТ ПРЕДМЕТИ	.....	4
2. ТАШКИЛОТЧИ (БУЮРТМАЧИ)	.....	4
3. ИШТИРОКЧИЛАР	.....	4
4. ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	.....	5
5. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЛИ	.....	5
6. ТАКЛИФЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ	.....	5
7. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ	.....	6
8. ТАКЛИФЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ	.....	7
9. БОШҚА ШАРТЛАР	.....	7
10. ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ	.....	8
11. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ	.....	8

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш бўйича талаблар (кейинги ўринларда – Танлов) “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (кейинги ўринларда - ИТ-Парк) томонидан маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 апрелда тасдиқланган “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон қонуни асосида “ақлли шаҳарлар” ни барпо этиш бўйича тажриба алмашиш ва инновацияларни трансфер қилиш мақсадида эксперталар ва ИТ-мутахассислар учун доимий платформа яратиш” лойиҳасининг энг муқобил таклифларни олиш учун танлов ўтказиш ва иштирок этиш тартибини белгилайди.

Ушбу хужжатда қуидаги тушунчалар қўлланилади:

**Буюртмачи** - “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ;

**Энг яхши таклифларни танлаш** - харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

**Эълон** - давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида давлат буюртмачиси томонидан жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот;

**Таклиф** – мазкур танлов хужжатларида белгиланган талаблар асосида тайёрланган ҳамда Танлов Комиссиясига тақдим этилган тижорат таклифи;

**Иштирокчи** - мазкур танлов хужжатларида белгиланган талаблар асосида тижорат таклифини тақдим этган жисмоний ёки юридик шахс;

**Иштирокчининг вакили** - танлов иштирокчиси томонидан берилган ишончнома асосида таклиф бериш хукуқига эга бўлган ваколатли шахс. Иштирокчининг вакили фуқаролик паспорти билан қатнашиши шарт;

**Ғолиб** – харид қилиш тартиб-таомиллари якунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси.

### 1. ХУЖЖАТ ПРЕДМЕТИ

ИТ-мутахассислар учун бутун мамлакат бўйлаб ИТ-мутахассисларини ягона платформада бирлаштириш орқали тажриба алмашиш, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш, сўнгги ютуқлар ҳақида маълумот олишни имконини бериш.

Платформа “Ақлли шаҳар” лойиҳаси доирасида тажриба алмашиш, катта-кичик муаммоларни муҳокама қилиш, ушбу жараён иштирокчиларини топиш ва улар билан боғланиш, маҳаллий, хорижий ва халқаро иштирокчиларнинг ҳамкорлиги учун алоқаларни йўлга қўйиш мумкин бўлган жойга айлантириш.

#### 1.1. Танлов валютаси.

Таклиф этилаётган хизматни бажариш учун нархлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм)да акс эттирилиши зарур.

#### 1.2. Танловнинг максимал нархи

Таклиф этилаётган хизматни бажариш учун таклиф этилаётган нарх Буюртмачи белгилаган КҚСни хисобга олмаган ҳолда 664 000 000 (олти юз олтмиш тўрт миллион) сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

## **2. ТАШКИЛОТЧИ (БУЮРМАЧИ)**

### **2.1. Танловни ташкил этувчи (кейинги ўриниларда - Буюртмачи):**

“Дастурый маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ.

Буюртмачи манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Тепамасжид кўчаси, 4-й.

Электрон почта манзили: [info@it-park.uz](mailto:info@it-park.uz).

Телефон рақами: (+99871) 209-11-99.

Масъул шахс:

Шерзод Абдурахмонов – Тошкент шаҳар филиали бошлиги в.в.б

Тел: (+99890) 178-00-03

Электрон почта: [shabduraxmonov@it-park.uz](mailto:shabduraxmonov@it-park.uz)

### **2.2. Танловни ўтказувчи.**

Танлов, Буюртмачи томонидан тузилган, беш нафар аъзодан иборат Харид Комиссияси томонидан ўтказилади.

## **3. ИШТИРОКЧИЛАР**

### **3.1. Танловда иштирок этиши.**

Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган Дастурый маҳсулотлар ва ахборот технологиялари техлогик парки резидентлари иштирок этиши мумкин.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарорининг 10-банди)

***A) Танловда иштирок этиши учун, танлов иштирокчиси қўйидагиларни амалга ошириши лозим:***

- танлов шартлари билан танишиш учун маҳсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
- танлов хужжатлар шартларига мувофиқ танлов хужжатларини электрон топшириш.

***B) Қўйидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:***

- Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
- “Буюртмачи” ёки бошқа ташкилотлар билан судда ёки ҳакамлик судида тортишаётган;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
- Имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобракамларига эга бўлган.

***B) Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиши таомилида иштирок этишидан четлаштиради:***

- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- унда солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
- иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, карор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

- иштирокчи рақобатга қарши харакатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек, аффилланганлик ҳоллари аниқланса.

## **4. ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

### **4.1. Қўйидаги талабларга жавоб бермайдиган иштирокчилар танловга қўйилмайди:**

Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқقا эгалик;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

### **4.2. Танлов гарови:**

Танлов иштирокчиси танловда иштирок этиш учун хизматни бажариш учун таклиф этилаётган максимал нархининг 3% гаров сифатида тақдим этиши лозим.

Агарда танлов асосида голиб 10 иш кун ичida буюртмачи билан шартнома имзолашни бош тортса ва буюрмачининг шартномасидаги талабларини қабул қиласа, унда гаров сумма буюртмачи хисобига ўтиб кетади.

## **5. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЛИ**

### **5.1. Таклиф ва шартнома тили.**

Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, хужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак.

### **5.2. Танлов шакли.**

Танлов электрон шаклда etender.uzex.uz платформаси орқали ташкил этилади.

## **6. ТАКЛИФЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

### **6.1. Таклифларни тайёрлаш.**

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тутатилади.

### **6.2. Таклифларни тақдим этиши.**

Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари, ўз таклифларини etender.uzex.uz платформаси орқали ўрнатилган тартибда электрон шаклда юбориши шарт.

### **6.3. Танлов иштирокчисининг масъулияти.**

Танлов иштирокчиси:

- тақдим қилинаётган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади.

### **6.4. Таклифларни таъминлаш**

Танлов иштирокчиси танловда иштирок этиш учун хизматни бажариш бўйича таклиф этилаётган максимал нархининг 3% гаров сифатида тақдим этиши лозим.

Агарда танлов асосида ғолиб 10 иш кун ичида буюртмачи билан шартнома имзолашни бош тортса ва буюрмачининг шартномасидаги талабларини қабул қиласа, унда гаров сумма буюртмачи ҳисобига ўтиб кетади.

#### **Танловнинг нархга оид қисми маълумотлари.**

Танлов таклифи танлов шартларига мос бўлган ва қуйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.

## **7. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

### **7.1. Хизматлар учун тўлов Буюртмачи томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:**

Шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида Шартнома қийматининг 30% миқдорида аванс тўлаб берилади.

Қолган тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Шартнома қийматининг 70 % Техник топшириқда кўрсатилган жадвалга асосан, ишларни бажаришнинг якуний босқичи якунланганидан сўнг, бажарилган ишларнинг якунний далолатномаси имзолангандан кейин 5 (беш) иш куни ичида тўлаб берилади.

Тўлов бажарилган ишларнинг далолатномаси тасдиқланганидан сўнг Ижрочининг ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## **8. ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

### **8.1. Таклиф Конун, қарор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.**

Харид комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Конун, қарор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов хужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.

Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида харид комиссияси танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу таомил расмий равишда, ёзма шаклда танлов иштирокчилари орқали ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг мазмуни, шунингдек, нархи бўйича бирон-бир ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

Танлов хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қиласа танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.

**8.2. Арифметик ёки бошқа хатолар** мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси, бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.

**8.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари** таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомасида қайд қилинади.

**8.4. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси** танлов комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб **икки иш куни ичидаги** маҳсус ахборот порталида чоп этилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон қилинганидан сўнг танловнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлов натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб **икки иш куни давомида** танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.

#### **8.5. Кўйилган талабларнинг ўлчов мезони:**

Қатнашувчига кўйилган кўшимча талаблар:

8.5.1.	Техник топшириқнинг 5.1.1. бандида кўрсатилган Ижрочига кўйилган умумий талабларга мослиги	20 балл
8.5.2.	Техник топшириқнинг 5.1.2. бандида кўрсатилган Ижрочига бўлган маҳсус талабларга мослиги	30 балл
8.5.3.	Техник топшириқнинг 5.1.3. бандида кўрсатилган Ижрочининг ходимлари сони ва малакасига қўйиладиган талабларга мослиги	50 балл

Умумий балл қиймати 100 балл (афзалрок), танловда қатнашиш учун минимал 99 балл тўплаши зарур.

Танловда ғолиб энг паст нарх берган ҳисобланади ва электрон тарзида аниқланади.

### **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

**9.1.** Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.

**9.2.** Танлов иштирокчиси Буюртмачига танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлов хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли.

**9.3.** Ушбу сўров Буюртмачига таклифлар берилиши якунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда, Буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни давомида белгиланган шаклда танлов хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур.

**9.4.** Танлов хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.

**9.5.** Куйидаги ҳолларда харид комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:

- танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда;
- таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича харид комиссияси барча таклифларни танлов хужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.

**9.6.** Голиб чиқсан таклиф акцептигача Буюртмачи исталган пайтда танловни бекор қилиши мумкин. Танлов бекор қилинган тақдирда Буюртмачи маҳсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.

## **10. ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ**

**10.1.** Танлов натижаларга кўра, танловда голиб деб санаалган ташкилот билан Буюртмачи шартнома танловда қўйилган шартнома нусхасида ёзилган шартлар асосида тузилади.

**10.2.** Харид комиссияси томонидан голиб деб топилган танлов иштирокчиси Буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади ва 3 иш кунида Шартнома имзоланади.

**10.3.** Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш хуқуки захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлов ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

## **11. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ**

**11.1.** Шартнома Буюртмачи ва Танлов ғолиби ўртасида икки нусхада тузилади.

**11.2.** Шарномада кўрсатилган нарх энг охирги нарх бўлиши ҳамда шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ўзгармаслиги керак.

**11.3.** Шартнома шартлари Буюртмачининг шартнома намунасида кўрсатилиб ўтилган.

**11.4.** Шартномани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низолар музокарапар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, Томонлар Тошкент туманларапо хўжалик судига мурожаат қилишлари керак.

**““Ақлли шаҳарлар”ни барпо этиш бўйича тажриба алмасини ва инновацияларни трансфер қилиши мақсадида эксперталар ва it-мутахассислар учун доимий платформа яратиш” лойихаси мазмун ва моҳияти**

1	Объект номи	Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Park)
2	Лойиҳани амалга ошириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлисининг 2021 йил 1 декабридаги ХДФУ-191-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 8-саммитида илгари сурган таклифлари ва ташаббусларининг самарали ижросини самарали таъминлашга қаратилган амалий чора тадбирлар режаси”
3	Буюртмачи	“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки Дирекцияси” МЧЖ
4	Ишнинг тури	IT-мутахассислар учун бутун мамлакат бўйлаб IT-мутахассисларини ягона платформада бирлаштириш орқали тажриба алмасин, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш, сўнгги ютуқлар ҳақида маълумот олишни имконини бериш.

		ІТ-мутахассислар учун бутун мамлакат бўйлаб ІТ-мутахассисларини ягона платформада бирлаштириш орқали тажриба алмашиш, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш, сўнгги ютуқлар ҳақида маълумот олишини имконини бериш.
5	Ишни амалга ошириш муддати	Лойиҳа давомийлиги: шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни
6	Ишни амалга ошириш манзили	100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Тепамасжид кўчаси
7	Иш хажми тавсифи	<p>1. Лойиҳалаш ва тадқиқот ишларини олиб бориш, лойиҳанинг архитектурасини ишлаб чиқиш ва лойиҳанинг ахборот-техник базасини шакллантириш.</p> <p>2. Техник хужжатларни ишлаб чиқиш (лойиҳа концепцияси, техник топширик).</p> <p>3. Портал интерфейсининг дизайнини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Портал, унинг модуллари ва бошқа қисмларини ишлаб чиқиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>● дастурлаш ва тартиблаш (вёрстка);</li> <li>● навигация тизимини ишлаб чиқиш;</li> <li>● асосий ва ёрдамчи модулларни дастурлаш;</li> <li>● “қидирув” функциясини яратиш;</li> <li>● уч тилдаги талқинини яратиш;</li> <li>● домен сиёсатларини созлаш;</li> <li>● SSL-сертификатини ўрнатиш ва созлаш (<a href="https://">HTTPS://</a> протоколини созлаш);</li> <li>● бошқариш бўйича иккита масъул ходим учун тренинглар ташкил қилиш;</li> <li>● ишга туширилгандан сўнг 6 (олти) ой мобайнида уни техник қўллаб-куватлаш ва бошқариш;</li> <li>● мобил версиясини яратиш.</li> </ul> <p>5. Тегишли ахборот тизимлари ҳамда бошқа туркий давлатларнинг ягона кириш (авторизация) тизимларининг APIсини улаш, Ягона идентификация тизими (One ID), Google, Facebook, LinkedIn ва GitHub каби ахборот тизимлари ва веб-ресурслар орқали авторизация қилиш имконини яратувчи ҳимояланган модулларни ишлаб чиқиш.</p> <p>6. Платформанинг ҳаётый фаолиятини олиб бориш, унга маълумотларни кўшиш, янгилаш ва контент қисмига ўзгартиришлар киритиш учун 1 нафар модератор ва 1 нафар контент-менеджер тайёрлаш.</p> <p>7. Платформани синовдан ўтказиш ва фойдаланишга топшириш.</p>
8	Иштирокчиларга кўйиладиган талаблар	<p>Ижрочининг ходимларининг сони ва малакаси қуидаги умумий талабларга мос бўлиши керак:</p> <p>а) Ижрочи ушбу лойиҳани ўз вақтида, пухта амалга оширилинишини таъминлаш мақсадида қуидаги юқоритоифадаги мутахассислар билан таъминланган бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>● Проект менежерлар;</li> <li>● Техник ёзувчилар;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• UX/UI дизайннерлар;</li> <li>• Маълумотлар базаси архитекторлари;</li> <li>• Бэкенд-дастурчилар – DevOps (даража – Senior);</li> <li>• Бэкенд- дастурчилар (даража – Middle);</li> <li>• Фронтенд- дастурчилар (даража – Senior);</li> <li>• Фронтенд- дастурчилар (даража – Middle);</li> <li>• QA-engineer.</li> </ul> <p>б) Ижрочи томонидан мазкур Техник топшириқнинг 5.1.4. бандининг а) хатбошида кўрсатиб ўтилган, ушбу лойиҳага жалб қилинган мутахассисларнинг камида 40 (қирк) % Ижрочининг штат бирлигига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига мувофиқ фаолият кўрсатайтган бўлишлари ва тақдим этилаётган хужжатлар билан биргаликда илова қилиниши керак;</p> <p>в) Ижрочи томонидан мазкур Техник топшириқнинг 5.1.4. бандининг а) хатбошида кўрсатиб ўтилган, ушбу лойиҳага жалб қилинган мутахассисларнинг камида 40 (қирк) % ўз йўналишлари бўйича маҳсус халқаро IT-сертификатларга эга бўлишлари, ҳамда ушбу сертификатлар сўнгги 180 (bir юз саксон) кун мобайнода олинган бўлишлари ва тақдим этилаётган хужжатлар билан биргаликда илова қилиниши керак.</p> <p>Ижрочи ушбу бандда кўрстилган талабларга мослигини куйидаги хужжатларни тақдим этган ҳолда тасдиқлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мутахассисларнинг резюмелари (резюмеда боғланиш учун kontakt рақам кўрсатилган бўлиши шарт);</li> <li>• Штат бирлигига ишлайдиган мутахассисларнинг тасдиқловчи хужжатлари (<a href="http://my.gov.uz">my.gov.uz</a> орқали олинган маълумотнома);</li> <li>• Мутахассисларнинг IT-сертификатларининг нусҳаси.</li> <li>• Хужжатлар битта .pdf файл тарзида егилиб топширилиши лозим.</li> </ul>
9	Молиялаштириш манбаи	Лойиҳа тўлиқ Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.
10	Хизматни бажариш учун таклиф этилаётган максимал нарх	Буюртмачи белгилаган ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда 664 000 000 (олти юз олтмиш тўрт миллион) сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
11	Изоҳ	Харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлов иштирокчиси билан З иш кунида Шартнома имзоланади

**Ишлаб чиқди:**

Халқаро IT Сертификатлар бўлими бошлиғи

**Келишилди:**

Тошкент шахар филиали бошлиғи



M. Анваров



Ш. Абдурахмонов